

---

## "ЧОРЧИНОР" ДА ЯНГИ ТРАНСФОРМАТОРНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА 200 ТА ХОНДОННИНГ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Марғилон шаҳрининг "Чорчинор" маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган 11-сонли трансформатор пункти йиллар давомида электр энергиясига бўлган талабнинг ортиши натижасида юклама билан ишлаб келаётган эди.

Тегишли дастур асосида мазкур трансформатор пунктига қуввати 250 кВА бўлган янги трансформатор пункти ўрнатилди, янги электр узатиш кабел тармоғи тортилди.

Эндиликда янги трансформатор пункти тўлиқ монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди. Бу билан маҳалланинг 200 га яқин хонадонининг электр таъминоти яхшиланди.

2023-08-15 09:58:53